O'zingni angla!

# HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2010-yil 11-avgust, chorshanba ● № 32 (683) ● 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ● e-mail: hurriyat@doda.uz ● www.uzhurriyat.uz

### СОҒЛОМ ОИЛА — СОҒЛОМ ЖАМИЯТ ПОЙДЕВОРИ

**Репродуктив саломатлик деганда нафақат инсоннинг ҳар қандай касаллик ва етишмовчиликлардан халослиги, балки аёлларнинг ҳам, эркаклар ва ўсмирларнинг ҳам тўлиқ жисмоний, руҳий, ижтимоий комиллигининг уйғунлигини тасаввур этамиз.**



⇨ 3-бет

### ДИЛИМНИ ОҒРИТДИ ДИЛИМДАГИЛАР...

***Аёл кишининг жим юрганидан қўрқ, деб бежиз айтишмаган экан. Мусичадек беозор келинимиз фарзанд кутаётганини эшитиб ҳаммамиз қувонган эдик. Афсуски, ҳамма даҳмаза ана ўшандан кейин бошланди.***



⇨ 6-бет

### БАДИИЙ ГИМНАСТИКАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

***бадиий гимнастикага ёшларнинг қизиқиши ошиб бораётгани, юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир спорт маликалари етишиб чиқаётгани беҳад қувонарлидир.***



⇨ 8-бет

## ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

■ **8 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Япония ташқи ишлар вазири Кацуя Окадани қабул қилди.**

**Суҳбат чоғида икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш истиқболларига доир ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.**

■ «Марказий Осиё + Япония» мулоқоти доирасида Тошкентда ташқи ишлар вазирларининг учинчи кенгаши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Владимир Норов, Япония ташқи ишлар вазири Кацуя Окада, Қозоғистон Республикаси давлат котиби – ташқи ишлар вазири Канат Саудабаев, Қирғизистон Республикаси ташқи ишлар вазири Руслан Казакбаев, Тожикистон Республикаси ташқи ишлар вазири Ҳамрохон Зарифий ва Туркманистоннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Султон Пирмуҳамедов иштирок этди.

Учрашувда ташқи ишлар вазирларининг 2006 йил Токиода бўлиб ўтган иккинчи кенгашида қабул қилинган «Ҳаракат дастури» ижроси сарҳисоб қилинди. Томонлар Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ва иқтисодий тараққиётни таъминлаш масалаларини муҳокама қилдилар. Япония ҳамкорлигида минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, Марказий Осиё мамлакатларининг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувини такомиллаштириш чора-тадбирлари белгилаб олинди.

■ *5 август куни мамлакатимизда UZ-2010 миллий домени интернет-фестивали бошланди. Тадбир «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, "UZINFOCOM" компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази ҳамда "Mirada Software" компанияси томонидан ташкил этилди.*




ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 19 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

## БУГУНГИ БУХОРО



Бухоро... Етти пирга бешик бўлган юрт. Буюк Ипак йўли ёқасида жойлашган қадимий шаҳар. Дунё сайёҳларини лол қолдираётган тарихий обидалар маскани. Мусулмон халқлари учун қутлуғ зиёратгоҳлар сарчашмаси.

Бухоро кўчаларида юрган инсоннинг тани енгил, руҳи тетик тортиб, қалбида пок ниятлар туғилиб, жисму жони роҳатланаверади. Боиси, ҳар қадамда улуғ авлиёлар руҳи ҳамроҳлик қилади, назаримда. Мана шундай кўчалардан бири хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний номлари билан юритилади. Йўлларнинг ободлигию, биноларнинг ҳашаматлилигини айтмайсизми? У бундан роса 20 йил илгари истиқлол шарофати туфайли ҳамда Президентимиз Ислом Каримов тавсиясига биноан икки томонлама ҳаракатланишга мослаштирилиб, замон талабларига жавоб берадиган даражада қайта бунёд этилганди. Шаҳар ичкарисига олиб борадиган бу йўлни бухороликлар «олтин тасма» деб аташади. Ўнгу-сўлда гулзорлар. Бир томонда болалар хиёбони, «Дилкушо» теннис корти, бокс мусобақалари ўтказиладиган йирик мажмуа, узун кўча бўйлаб ёнма-ён жойлашган нуфузли корхона ва ташкилотларнинг бош офислари, Бухоро юридик коллежи, супер ва мини маркетлар... Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг умрига умр қўшилиб қайта тикланиб, таъмирланган биноларни кўрганларнинг қалби фахр-ифтихорга тўлади. Ёки шоҳ Баҳоуддин Нақшбандий кўчасига тайёрагоҳдан тушиб келаркансиз шаҳарнинг «Шарқ» мавзесидаги йўлнинг икки томонида бир-бирига разм солгандай савлат тўкиб турган осмонўпар «Агробанк» ва «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг вилоят филиаллари ўта нозик дид билан бунёд этилганининг гувоҳи бўласиз. Лойиҳалаш ва қурилиш ишларини бажарган қурувчилар ҳамда бунёдкорлик ишларида бош-қош бўлган мутасаддиларнинг хизматлари ҳар қанча эҳтиромга лойиқ...

Шуниси қувонарлики, республикамизда барча жабҳаларда бўлаётганидек, кўҳна ва навқирон Бухорода ҳам ана шундай таҳсинга сазовор бунёдкорлик ишлари юқори суръатларда амалга оширилмоқда. Хусусан, «Қабуллар уйи», 104 гектар майдонда барпо этилаётган, мамлакатимиз мустақиллигининг 19 йиллик айёми арафасида тантанали очилиш маросими ўтказиладиган Ёшлар маданий маркази Бухоро ва бухороликлар учун катта байрам туҳфаси бўлади. Мазкур маданий марказда қад ростлаган 2000 кишига мўлжалланган амфитеатр ва худди шу ҳажмдаги Драма театри оралиғидаги қадимий ва навқирон Бухоро рамзлари ўз аксини топган глобус ўрнатилган боғ ҳудуди манзарали кўчатлар билан безатилгани узукка кўз қўйгандек ярашиб турибди.

— Ушбу маданий марказ кўпчилик юртдошларимиз қатори бизнинг ҳам фахримиз дейди, — Бухоро — Навоий халқаро аҳамиятдаги автомобиль йўлларини сақлашга ихтисослашган давлат корхонаси бошлиғи ўринбосари, республикада хизмат кўрсатган қурувчи Рустам Эгамов. — Жамоамиз айни пайтда давлат аҳамиятидаги «Самарқанд — Бухоро — Ашгабад» автомобиль йўлининг 336-346 километрлари оралиғидаги 10 чақиримли инвестиция объекти ҳамда Тошкент — Бухоро — Нукус магистраль йўлининг Бухородаги халқа йўлида катта қурилиш ишларини амалга оширди. Бунда «Дўстлик» ордени совриндори С. Аминов, Ш.Самадов, З.Шодмонов ва Ғ.Эшов каби операторлар муносиб меҳнат қилиб, бошқаларга ўрнак бўлишди. Корхонамизда бу йил темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, 20 та янги иш ўрни барпо этилди. Бир сўз билан айтганда, тизимда 400 дан ортиқ йўлсозлар ободонлаштириш ишларида фаол иштирок этишмоқда. Халқимизнинг «Қўли очиқнинг йўли очиқ» деган ибораси жамоамиз шиорига айланган... Вилоятдаги қурувчи-ю, йўлсоз, уста-ю, ҳунарманд, муҳандис ва мутахассислар бугун кўҳна Бухоронинг янада чиройли, фусункор, жозибали бўлишида ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Юртбошимизнинг «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва, албатта, бахтли бўлишлари шарт» деган пурмаъно сўзларига жавобан вилоятдаги 100 га яқин касб-ҳунар коллежлари, академик лицейларда ёшларимиз таълим-тарбия олиш билан бирга ўзлари эгаллайдиган соҳанинг сир-асрорларини пухта ўзлаштирмоқдалар.

(Давоми 2-бетда.)

НАШР

## «ЎЗБЕКИСТОН: ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ»

*Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан тайёрланган "Ўзбекистон: инсонпарварликнинг юксак намунаси" ("Узбекистан: проявление высокого духа гуманизма") тўплами нашр этилди.*




Маълумки, шу йил 11-15 июнь кунлари Қирғизистон Республикасининг Ўш ва Жалолобод вилоятларида содир этилган қонли фожиалар бутун халқимизда катта ташвиш ва безовталик уйғотди. Мамлакатимиз Президенти томонидан ўз вақтида қатъият билан кўрилган амалий чора-тадбирлар туфайли бу фожианинг янада кенг тус олиб, бутун минтақамизга ёйилиб кетишига йўл қўйилмади.

Халқимиз, давлатимиз томонидан юртимиз ҳудудига қочиб ўтган жабрдийда инсонларга барча шароитлар яратилиб, уларга ҳар томонлама ёрдам берилгани жаҳон жамоатчилиги томонидан ҳақли равишда инсонпарварликнинг юксак намунаси сифатида баҳоланди.

Тўпламдан ана шу воқеаларга доир энг муҳим сиёсий материаллар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Мун, АҚШ Давлат котиби Ҳиллари Клинтон билан телефон орқали қилган мулоқотлари, Қирғизистон Республикаси Ўтиш даври Президенти Р.Отунбоевага юборган телеграммаси, Бухоро вилояти Вобкент тумани қишлоқ меҳнаткашлари билан суҳбат пайтида билдирган фикр-мулоҳазаларининг ўзбек ва рус тилидаги матнлари ўрин олган.

Шунингдек, Қирғизистондаги воқеалар муносабати билан мамлакатимизда қабул қилинган расмий ҳужжатлар, давлатимиз раҳбари номига БМТ резидент-мувофиқлаштирувчиси Анита Ниroди, Кембриж университети профессори, Марказий Осиё бўйича Кембриж форуми раиси Сидхарт Саксена томонидан юборилган мактублар, халқаро ва хорижий таҳлилчилар, жаҳон жамоатчилиги, ўзбекистонлик маданият, адабиёт ва санъат намояндалари, журналистлар ҳамда оддий касб эгаларининг мазкур хунрезликларга муносабатлари ҳам тўпламга киритилган.

Бу китоб ҳозирги мураккаб даврда барчамизни келгусида минтақамизда бундай даҳшатли фожиаларга йўл қўймасликка, юртимиздаги мусаффо осмон, тинч ва осойишта ҳаётнинг қадрига етиб, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиб яшашга даъват этади.

Тўплам нодавлат нашриёт — "Turon iqbol" масъулияти чекланган жамияти томонидан 5 минг нусхада чоп этилди.

**Ш.ОРТИҚОВ**

## ОҚ ЙЎЛ СИЗГА, ОЛИМПИАДАЧИЛАР!

*Ўзбекистон спорт делегацияси 14-26 август кунлари ўсмирлар ўртасида ўтказиладиган I Олимпия ўйинларида иштирок этиш учун 9 август куни Сингапурга жўнаб кетди.*



Тошкент аэропортида спортчиларимизни Сингапурга тантанали кузатиш маросимида сўзга чиққанлар юртимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спортни ривожлантириш, ўғил-қизларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун қулай шароитлар яратишга катта эътибор берилаётганини алоҳида таъкидладилар.

"Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ҳамда Универсиададан таркиб топган уч босқичли узлуксиз спорт ўйинлари соғлом авлод тарбиясининг асосий омилларидан бири бўлиши билан бирга, профессионал спортчиларни вояга етказишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Илк маротаба ўтказилаётган ўсмирлар Олимпиадасида юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган истеъдодли ёшларнинг аксарияти дунёда ўхшаши бўлмаган ана шу уч босқичли узлуксиз спорт тизими мусобақаларида кашф этилган спортчилардир.

— Олимпия ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатлари каби нуфузли мусобақаларда ўз юрти шарафини муносиб ҳимоя қилиш ҳар бир спортчининг эзгу орзусидир, — дейди бокс бўйича ўсмирлар ўртасида Осиё чемпиони ва жаҳон чемпионати кумуш медаль совриндори Аҳмаджон Мамажонов. — Сингапурда ўтказиладиган мусобақаларда фақат юқори ўринлар учун курашамиз, бизга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатаётган Юртбошимиз ҳамда халқимиз ишончини албатта оқлаймиз.

— Ўзбекистонлик спортчилар, жумладан, кураш усталарининг нуфузли мусобақаларда шоҳсупага кўтарилиши яхши анъанага айланган, — дейди юнон-рум кураши бўйича мураббий Олим Қурбонов. — Катта спорт бўсағасида турган навқирон спортчиларимиз ҳам Сингапурда бўладиган беллашувларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақилликнинг 19 йиллигига муносиб тўёна билан қайтишади.

Сингапурда дунёнинг кўплаб мамлакатларидан келган уч минг нафардан зиёд 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўғил-қизлар спортнинг ўттиз бир тури бўйича 184 медаллар жамланмаси учун ўзаро куч синашади. Мураккаб саралаш босқичларидан муваффақиятли ўтган 21 нафар иқтидорли спортчимиз бадиий гимнастика, спорт гимнастикаси, таэквондо, енгил атлетика, дзюдо, бокс, стол тенниси, ўқ отиш, сузиш, оғир атлетика, эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича беллашувларда иштирок этади.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

БУГУННИНГ МАВЗУСИ

# СОҒЛОМ ОИЛА — соғлом жамият пойдевори



*Маълумки, истиқлолнинг дастлабки кезлариданоқ Ўзбекистонда «Ҳамма нарса инсон учун, халқ фаровонлиги учун!» деган шиор ўртага ташланди. Барча иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларимиз самараси ана шу мақсад сари йўналтирилди.*

*Айниқса, аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизмат маданиятини жаҳон андозалари даражасига кўтариш, она ва бола саломатлиги муҳофазасини кучайтириш, соғлом оилани шакллантириш ва соғлом авлодни тарбиялаш бўйича юртимизда амалга оширилаётган ишлар кўламининг нақадар кенглиги барчага аён.*

*Республикамиз Президентининг ана шу олижаноб йўналишдаги ҳаётбахш қарорлари ва уларда белгилаб берилган устувор вазифалар асосий дастуриламал сифатида бебаҳо аҳамият касб этмоқда. Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган 1144-сонли (2009 йил 1 июнь) қарори эса халқимиз ва жамиятимиз иқболи ҳамда турмушимиз мунавварлиги йўлидаги яна бир катта ғамхўрлик бўлди.*

*Қуйида оилада тиббий маданиятни шакллантириш бўйича тажрибали мутахассис, Қўқон шаҳар 1-сонли шифохона бош врачи* **Муяссар АҲМЕДОВА** *репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантиришнинг энг муҳим жиҳатлари ҳақида ўз мушодаҳалари билан ўртоқлашади.*

— Бир ўйлаб кўринг, оилада ё кўча-кўйда, боғча ёхуд мактабда шўх-шодон юрган соғлом, бардам ва бахтиёр болакайларга кўзингиз тушганда, беихтиёр қалбингизда жўшқинлик уйғонади. Эртанги кунимизнинг ойдинлигини, ширин-ширин орзу-умидларнинг эндигина кўз очган рангин ғунчалари ифорини туясиз, шундай эмасми?

Тасодифан майиб-мажруҳ ёхуд ногирон болага дуч келиб қолинса-чи? Турган гап, унга боқиб юрагингиз ачишади. Бу беғубор болада не гуноҳ дея афсусланасиз.

Барчамиз учун аён ҳақиқат: соғлом бола соғлом оилада туғилади. Пажмурда инсонлардан эса касалманд ва носоғлом насл қолади.

Ёдингизда бордир, собиқ шўролар даврида ўнта ва ундан зиёд фарзанд кўрганларга «Қаҳрамон она» унвони-ю, тиллоранг кўкрак нишони берилар ва иложи борича кўпроқ туғавер, деган ташвиқот юритиларди. Бу ташвиқот асосан Марказий Осиё республикаларининг соддадил ва заҳматкаш халқи орасида олиб борилар, унинг замирида эса маҳаллий халқ наслларини жисмонан заифлаштириш ва охир-оқибат бу ҳудудларда ожиз ҳамда итоаткор мутеълар армиясини яратишдек гегемон сиёсат ётарди. Бизнинг ўзимиз ҳам гоҳо унинг оқибатини тушунмаган ҳолда «Худо бераяптими, туғавер, юмалаб-сумалаб ўзи катта бўлиб қолади» деб қўярдик. Бироқ гап ана шу «юмалаб-сумалаб» ўса бошлаган авлоднинг жисмоний ва моддий-маънавий эҳтиёжини таъминлаб боришга келиб қадалганда, давлат оғзига сув олиб турган. Ўша даврдаги болаларимиз ва оналаримизнинг касалманд қиёфаси, ҳол-аҳволини бугунги ўзбек аёлларининг, фарзандларимизнинг соғлом қиёфаси ва яшаш тарзи билан солиштириб кўрган одам, гап нимадалигини англаб етиши аниқ.

Маълумки, репродуктив саломатлик тушунчаси замирида нафақат инсоннинг ҳар қандай касаллик ва етишмовчиликлардан холослиги, балки аёлларнинг ҳам, эркаклар ва ўсмирларнинг ҳам тўлиқ жисмоний, руҳий, ижтимоий комиллигининг уйғунлигини тасаввур этамиз. Унинг асосий тамойиллари ирсий ва ногирон болалар туғилишининг олдини олиш, хавфсиз ҳомиладорликни таъминлаш ва бехатар туғурукда малакали тиббий ёрдам кўрсатиш, фарзанд кўриш оралиқ муддатини оқилона йўлга қўйишдан тортиб, ўсмир ўғил-қизларни саломатлик тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлаш, аҳолининг тиббий маданиятини оширишгача бўлган анчайин амаллардан иборатдир.

Соғлом оила барқарорлиги эса соғлом турмуш тарзидан озиқланади. Унинг таркибига инсоннинг кучли жисмоний ва руҳий юкламаларни, эҳтиросларни енгиб ўта олиш, саломатлиги учун фойдали бўлган одатларга ўрганиш ва барча зарарли одатлардан воз кечиши каби хусусиятлар киради. Соғлом яшаш учун, энг аввало, тиббий маданиятнинг муҳим белгиси ҳисобланган ҳаёт меъёрини яхши билмоқ лозим. Бу меъёрни кўпчилик яхши англамайди. Ёхуд англаган тақдирда ҳам унга амал қилмасдан яшайверади. Оқибатда вужуд билан руҳ ўртасида мутаносиблик ва диалектик бирлик бузилади. Носоғлом турмуш тарзи билан яшашнинг пировард натижаси эса инсон умри ҳамда иймонининг пароканда бўлиши, инсонлик моҳиятининг юзага чиқмай, ёпиғлигича қолиб кетиши, жамиятнинг қанчадан-қанча истеъдодлардан маҳрум бўлиши билангина эмас, энг даҳшатлиси — келажак насллар учун ногиронлик ва касалмандлик иллатларини узатиш билан якунланади.

Демак, соғлом турмуш тарзи оила саломатлигининг кафолатидир. Отанинг, онанинг, фарзандлар ва умуман оиланинг соғломлиги биз интилаётган фаровон жамиятнинг қон томирлари ҳисобланади.

Қўқон шаҳар ҳокимлиги ва тиббиёт бирлашмасининг «Оилада тиббий маданиятни барқарорлаштириш, аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишлари бўйича 2009-2010 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси» ишлаб чиқилган. Ана шу режа асосида белгиланган вазифалар ижроси изчил назорат қилиб борилади. Ҳокимлик томонидан тасдиқланган махсус комиссия аъзоларидан тортиб барча даволаш муассасаларининг оддий шифокоригача, ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғини ва бошқа жамоатчилик фаоллари зиммасига ҳам тегишли масъулият юкланган.

Асосий мақсад репродуктив саломатликнинг юқорида қайд этиб ўтилган барча тамойилларига, айниқса, оилаларда фарзанд кўриш оралиғидаги муддатни узайтириш, никоҳ арафасидаги йигит-қизларнинг тиббий кўриги бўйича талаблар ижросига қаратилган.

Шифохона ёки поликлиникаларга мурожаат қилаётган хотин-қизлар билан индивидуал ҳолда бевосита маҳаллаларнинг ўзида ва таълим-тарбия муассасаларида уюштирилган қизиқарли суҳбатлар, савол-жавоб тадбирлари яхши самара беряпти.

Шаҳримизда 59 минг нафарга яқин туғиш ёшидаги аёллар бўлиб, уларга 11 та оилавий поликлиника ҳамда марказий туғруқ комплекси малакали хизмат кўрсатмоқда. Бой иш тажрибасига эга олий тоифали шифокор Клара Маҳмудова бошқараётган 1-оилавий поликлиника жамоасининг ўзигина шаҳардаги 5820 хонадон билан боғланган ва зарур бўлган барча тиббий ёрдам ҳамда маслаҳатлар дастурини амалга ошираётир.

Бутун шаҳар ҳамда ён-атроф ҳудудларида яшовчи аёлларимизга юксак малакали тиббий хизмат кўрсатаётган туғруқ комплекси (бош шифокор Муҳаббатхон Камолова) жамоаси эса ўз қабулига келиб-кетаётган барча хотин-қизлар орқали репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантиришнинг мазмун-моҳияти билан боғлиқ тарғибот ишларини ҳам олиб бормоқда.

Фарзанд кўриш ёшида бўлган аёлларнинг мутлақ соғломлигини таъминлаш ва туғиш даврини асосан 20-30 ёш, деб белгилаш, шунингдек, туғруқлар ўртасидаги оралиқ муддат камида 3 йил бўлиши лозимлигига асосий эътибор қаратиляпти. Шунингдек, эрта ёки кечроқ ёшда туғиш, жиддий муаммоларга сабаб бўлувчи бир оналик, кўп туғруқ ҳолларини чеклаш бўйича ҳам амалий ишлар йўлга қўйилган.

Кўриниб турибдики, давлатимиз оила ва авлод соғломлигини таъминлаш ҳисобига турмуш фаровонлигини юксалтириш учун барча имкониятларни ишга солмоқда. Аммо барибир кишининг соғлиги кўп жиҳатдан ўзига боғлиқ. Негаки, экспертларнинг асосли хулосаларига кўра, тиббий хизмат соғлигимизнинг атиги 8-10 фоизни таъминлайди. 20 фоизни ирсий омиллар, яна 20 фоизи атроф-муҳитга ва 50 фоиздан зиёдроғи оқилона турмуш тарзимизга, яъни бевосита ўзимизга боғлиқ.

Албатта, ҳар бир оиланинг мутлақ дахлсиз бўлган ички ва ўта нозик сирлари, режалари, соғлом турмуш тарзига хос муқаддас арконлари, таваккалчилик ёхуд қаҳрамонликни суймайдиган ўз дунёси бўлади. Ана шу нозиктаъб дунё манфаатларини авайлаган ҳолда ҳар бир оилада репродуктив саломатлик ва соғлом авлодни шакллантиришдек олижаноб кўрсаткичларга эришиш савобига нима етсин!

**“Hurriyat” мухбири**
**Солиҳ ҚАҲҲОР ёзиб олди**

БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

# Атир-упангизнинг ҳужжати қани?

*Парфюмерия воситалари бозорининг ҳамиша чаққонлигидан айрим кимсалар мўмай даромад орттириш илинжида фойдаланиб қолишга уринишади. Аммо кимёвий моддалар ташқи гўзаллик учун хизмат қилувчи парфюмерия ва косметика воситалари таркибида жуда катта миқдорни ташкил қилишини, боз устига уларнинг янада зарарли ҳисобланган қалбаки ва контрфакт нусхалари ёйилаётганини инобатга олсак, мазкур масалага янада жиддий қараш зарурлигини англаш қийин эмас.*




Республикамиз божхоначилари томонидан сифати кафолатланмаган ва тегишли ҳужжатлари бўлмаган бундай маҳсулотларнинг юртимизга олиб ўтилишига қарши чора-тадбирлар давом эттирилмоқда.

Пахтаобод туманининг чегарадош ҳудудларидаги айланма йўлда ҳаракатланаётган “Дамас” автомашинаси божхона назоратидан ўтказилганда, фуқаро С.Кабировга тегишли 1000 дона контрфакт парфюмерия маҳсулоти ҳеч қандай ҳужжатларсиз олиб кирилаётгани маълум бўлди. Қонунбузарлар қўшни давлатдан сотиб олинган 1,5 млн. сўмлик ушбу товарларни аввалига яширин тарзда юртимизга пиёда олиб кирган, кейин эса автомашинага ортиб, кўзлаган манзили сари йўл олган экан.

Фарғона туманининг қўшни давлат билан чегарадош ҳудудида ҳаракатланаётган “ВАЗ 2106” автомашинасини кўздан кечирган божхоначилар унда 7 турдаги 10,5 минг дона парфюмерия воситаси ноқонуний равишда олиб кирилаётганини фош этишди. Маълум бўлишича, қонунбузар И.Аминжонов божхона расмийлаштирувини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмагани учун ушбу товарларни айланма йўллар орқали қўшни давлатдан майда партияларда ташиб ўтиб, мамлакатимизга олиб кирган.

Шунингдек, божхоначилар вилоятнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари вакиллари билан ҳамкорликда ўтказган тезкор тадбир давомида “Мерседес Бенс” юк машинасини қонунчиликда белгиланган тартибда кўздан кечиришади. Натижада унда фуқаро Э.Азизовга тегишли салкам 10 минг дона атир совун яширинча олиб кетилаётгани маълум бўлди. “Royal lather” савдо белгиси остидаги ушбу маҳсулотларнинг умумий қиймати 7 млн. сўмдан кўпроқни ташкил этарди.

Сирдарё туманининг чегарадош ҳудудида божхоначиларни кўриб қолгач, қўшни давлат томон “қуён” бўлган қонунбузар томонидан қолдириб кетилган қутилар холислар иштирокида кўздан кечирилганда, номаълум шахс 30 турдаги жами 3 млн. сўмлик парфюмерия воситаларини республикамиз ҳудудига олиб киришга урингани аён бўлди.

Наманганлик божхоначилар ҳам пардоз-андоз воситалари билан боғлиқ йирик қонунбузарлик ҳолатига чек қўйишди. Қамчиқ довонида ҳаракатланаётган “Мерседес-Бенс” юк машинаси божхона назоратидан ўтказилганда, унда божхона расмийлаштирувидан ўтмаган ва айланма йўллар орқали республикамизга олиб кирилган 5 турдаги 9 минг донадан ортиқ турли атирлар ноқонуний равишда олиб келинаётгани аниқланди. Фуқаро Н.Бобоқуловага тегишли бўлган, қиймати 23 млн. сўмни ташкил этувчи ушбу товарларнинг яроқлилик муддати аллақачон ўтиб кетган экан.

Ачинарлиси шундаки, мутахассисларнинг таъкидлашича, сифати кафолатланмаган контрфакт парфюмерия ва косметика воситаларининг кимёвий таркибида канцероген ва нейротоксик хусусиятлар нисбатан кўпроқ учрайди. Бу эса сохта молга алданган истеъмолчиларда турли аллергик, асаб тизими касалликларини келтириб чиқариши мумкин.

Рақамларга мурожаат қилсак, 2010 йилнинг биринчи ярми давомида республикамиз божхоначиларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар вакиллари билан ҳамкорликда олиб борган чора-тадбирлари натижасида аниқланган 425 та қонунбузарлик ҳолатида қиймати 656 млн. сўмдан зиёд турли парфюмерия ва косметика воситаларининг ноқонуний олиб кирилишига чек қўйилган.

**Давлат божхона қўмитаси матбуот хизмати**

# ЁПИҒЛИК ҚОЗОН ҚАЧОН ОЧИЛАДИ?

Оловни — тилсиз ёв, дейишади. Бироз эътиборсизлик ё лоқайдлик оқибатида милтиллаб турган шўъладан ҳам катта-катта ёнғинлар чиқиши мумкин. Бу эса фақат ўзимизга эмас, балки қўни-қўшнилар, атрофимиздаги бошқа одамларга каттагина ҳам моддий, ҳам маънавий зарар етказади. Ҳар бир инсоннинг моддий имконияти турлича. Кимдир ёнғиндан кўрган зарарини бир неча кунда жой-жойига қўяди. Эътиборсизлиги туфайли уйини ёндириб юборган қўшнисига ҳам ҳеч қандай даъво қилмайди. Аммо баъзиларнинг ёнғин талафотларини бартараф этишга қўли калталик қилади. Бундай пайтда ёнғин кимнинг айби билан чиққан бўлса, ўша одам ёрдам бериши лозим. Керак бўлса, кўрилган барча зарарларни тўлаши шарт. Қонуний жиҳатдан ҳам шундай.

2008 йил 29 январь куни чамаси соат 14 $^{00}$да Самарқанд шаҳри З.Тўрақул кўчаси, 4-йўлак, 49-уйда яшовчи фуқаро Любат Эгамбердиеванинг уч хонали уйи ёна бошлайди. У зудлик билан вилоят ёнғин хавфсизлиги бошқармасининг Самарқанд шаҳар бўлими ходимларига қўнғироқ қилиб, ёнғин ҳақида ахборот беради. Токи ўт ўчирувчилар етиб келгунича Любат Эгамбердиеванинг уйидаги барча жиҳозлари ва анжомлари ёниб битади. Шошилинч равишда етиб келган ёнғин хавфсизлиги ходимлари алангани бошқа жойларга ҳам кўчишининг олдини олиб, оловни ўчиришга муваффақ бўлади.

Аслида ўша куни ўт Любат Эгамбердиеванинг қўшниси Муйин Пўлатовнинг ошхонасидан қочганди. Бироқ шу куни тегишли идора ходимлари томонидан суриштирув ишлари олиб борилади ва ўт ўчирувчилардан Фахриддин Қосимов, Маъруф Давронов, Ботир Тожиев ҳамда “Хўжачорик” маҳалла қўмитаси раиси ўринбосари Тўйчи акалар ёнғиндан зарар кўрган Любат Эгамбердиевани аврашга тушадилар. Улар: “Опа, бўлар иш бўлди. Сиз ёнғинни менинг уйимдаги сув иситиш қозонидан чиқди, деб тан олинг. Шунда биз тегишли ҳужжатларни расмийлаштириб, “Горгаз”дан 20 миллион сўм олиб берамиз”, — дейди. Улар шу тариқа жабрдийдани алдашга уриниб кўришади. Аммо Любат Эгамбердиева нонини қулоғига еганлардан эмасди. Қолаверса, Любат Эгамбердиеванинг уйидаги “котёл” икки йилдан бери ишламасди. Бундан ташқари, ёнғин унинг уйидан эмас, балки қўшниси Муйин Пўлатовнинг уйидан чиққанини қўни-қўшниларнинг ҳаммаси билишарди. Любат Эгамбердиева алдаб-аврашларга кўнмаганидан кейин шаҳар ўт ўчириш гуруҳи ходимлари холис гувоҳлар иштирокида ўша куни далолатнома тузишни негадир “эсларидан чиқариб”, қўйишади.

Кейинчалик далолатнома тузишга тузилади-ю (қандай қилиб, кимлар иштирокида тузилганини Самарқанд шаҳар ИИБ ёнғин хавфсизлиги ходимларидан бошқа ҳеч ким билмайди), унда ёнғин натижалари бўйича айбдор кимлиги кўрсатилмайди. Устига-устак далолатномани Любат Эгамбердиева воқеа содир бўлганидан бир неча ой ўтганидан сўнг Самарқанд шаҳар терговчиси Х. Шодмоновнинг қўлидан олади. Энг қизиғи, далолатномага Любат Эгамбердиева имзо чекмаган. Мана шундан бошлаб қозоннинг қопқоғи ёпилиб, Любат Эгамбердиеванинг сарсон-саргардонлиги бошланади.

2008 йил 30 январда Самарқанд шаҳар ИИБ терговчиси, милиция капитани Ж.Исматов номидан Любат Эгамбердиева номига жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ҳақида хат келади. Унинг қисқача мазмуни шундай, нафақахўр Любат Эгамбердиевага тегишли бўлган уйининг хоналаридан бирида сув иситиш қозони ёқилган ҳолда қаровсиз қолдирилиши оқибатида у ерда ёнғин келиб чиққан. Мазкур ҳолат юзасидан бирор шахснинг хатти-ҳаракатларида жиноят аломатлари йўқлиги сабабли жиноят ишини қўзғатиш рад этилади.

Ўз-ўзидан маълум бўляптики, хатда терговчи Любат Эгамбердиевани айбдор қилиб кўрсатади. Шундан кейин хафсаласи пир бўлган Любат Эгамбердиева адолатни қарор топтириш мақсадида Самарқанд шаҳар газ таъминоти идорасига ёзма равишда мурожаат қилади. Хайриятки, мазкур идора ходимлари томонидан унинг аризаси жавобсиз қолмайди ёки ИИБ ходимларидек асл воқеани била туриб, ўзгартиришга уринишмайди. Натижада газ таъминоти корхонаси мутахассислари содир бўлган ёнғинни яхшилаб ўрганиб, Любат Эгамбердиеванинг уйида ҳақиқатан ҳам битта иситиш қозони мавжуд бўлиб, у икки йилдан бери ишлатилмайди, деган хулосага келишади. Бу борада улар жабрланувчига ёзма равишда ҳам маълум қилишади.

Бундан хабар топган Муйин Пўлатов зудлик билан ўз айбини яшириш мақсадида хонадонини тўлиқ таъмирдан чиқаради. Любат Эгамбердиеванинг уйи эса бундан икки ярим йил аввал қандай бўлса, ҳозир ҳам шундайлигича турибди.

Самарқанд шаҳар ИИБ терговчиларининг ишидан норози бўлган Любат Эгамбердиева Самарқанд вилоят ИИБга ариза билан мурожаат қилади. 2008 йилнинг 8 февралида эса унга мазкур ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи бошлиғи имзоси билан жавоб хати келади. Унда содир бўлган ёнғин тўғрисида терговчи Ж.Исматов томонидан суруштирув ишлари олиб борилаётгани хусусида ёзилган эди. Ваҳоланки, бундан ўн кун аввал, яъни 2008 йилнинг 30 январида айнан Ж.Исматов номидан Любат Эгамбердиевага бирор шахснинг хатти-ҳаракатларида жиноят аломатлари йўқлиги сабабли жиноят иши қўзғатиш рад этгани тўғрисида хат келганди. Буни қандай тушуниш мумкин?

Бу орада тўрт ой вақт ўтади. Любат Эгамбердиева ўз ҳуқуқини тиклаш учун турли идораларга қатнайверади. Бундан хабар топган Ж.Исматов 2008 йил 16 апрель куни уни хонасига чақириб, сўроқ қилади. Тушунтириш хатига имзо қўйдириб олади. Нима учундир терговчи Любат Эгамбердиеванинг тушунтириш хатига ўша кунги санани қўйишига монеълик қилади. Бунинг сабаби сўралганида терговчи санани компьютерда киритаман, деб айтади. Бундан у нимани кўзлаганини эса ҳеч ким билмайди.

Бир нечта эшикларга қайта-қайта кириб, адолат тополмаган Любат Эгамбердиева Самарқанд шаҳар прокуратурасига мурожаат қилади. Шундан сўнг, прокуратура аралашуви билан ёнғин “иши” Ж.Исматовдан Х.Шодмоновга юклатилади. Бу орада Любат Эгамбердиеванинг қўлига ўша ёнғин чиққан куни тузилган далолатноманинг нусхаси тушиб қолади. Далолатномадаги имзо Любат Эгамбердиеваники эмаслиги маълум бўлади? Қизиқ, далолатномага унинг ўрнига ким имзо чекди экан?

Шу ўринда ҳаммаси тушунарли бўлиши учун бир воқеани эслатиб ўтиш жоиз. Любат

ҲОЛАТ

Эгамбердиева 2008 йилнинг 19 январидан 20 январига ўтар кечаси уйининг орқасидаги ҳаммом орқали айвони деворидан буғ чиқавергач, шаҳар ўт ўчирувчиларига мурожаат қилади. Ўт ўчирувчилар келиб кўришгач, бунинг ҳеч қандай хавфли томони йўқлигини таъкидлашади ва ҳушёрлиги учун хонадон бекасига раҳмат айтишади. 2008 йил 7 февраль куни эса ёнғин хавфсизлиги ходимларидан Маъруф Давронов яна келиб, Любат Эгамбердиевадан 19 январдаги кунги воқеа муносабати билан ўт ўчирувчиларга ҳеч қандай даъвоим йўқ деган тушунтириш хатини олиб кетади. Ушбу тушунтириш хати эса терговчилар ва прокуратура ходимларига қўл келиб, улар ишни ёпиб юборишади. Любат Эгамбердиева эса уларга тушунтириш хатидаги сана билан ёнғин чиққан кундаги сананинг бир-бирига мос келмаслигини айтади. Шундан кейин Самарқанд шаҳар ИИББ ТБ терговчиси, милиция катта лейтенанти Х.Шодмонов томонидан ёнғин-техник экспертизаси тайинланади. Ажабо! Наҳот, экспертизани тайинлаш ёнғин бўлган кунларда терговчиларнинг хаёлига келмади?

Ҳечдан кўра кеч деганларидек, Х. Шодмонов томонидан суд ёнғин-техник эксперизасини тайинлаш ҳақидаги қарори билан ёнғин иши ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Х.Сулаймонова номли республика суд-экспертиза марказига юборилади. Пойтахтлик экспертларнинг қилган ишлари Самарқанд вилоят ИИБ ходимларининг хатти-ҳаракатларидан ошиб тушса, тушадики, ҳеч ҳам қолишмайди. У Тошкент шаҳридан, воқеа жойини ўрганмасдан туриб, Любат Эгамбердиеванинг айби билан ёнғин келиб чиққан ва натижада қўшниси М.Пўлатовнинг уйи зарар кўрган, деб хулоса беради. Шунингдек, ҳозирги вақтда ҳар икки хонадон ҳам таъмирланиб ва тозалангани боис воқеа содир бўлган жойидан экспертизага тадқиқот объекти олинмагани маълум этилади. Аммо Любат Эгамбердиеванинг уйи ёнғин чиққан куни қандай бўлса, ўша ҳолатда турганини такрорлашимизга тўғри келади.

Икки ярим йилдан бери нафақахўр бўлишига қарамай адолатни тиклаш учун Самарқанд шаҳар ИИБ ва прокуратурасининг кўплаб кабинетларига бориб-келиб юрган Любат Эгамбердиева ҳақиқат қарор топиши учун ҳеч қачон чарчамаслигини кўп такрорлайди. Шундай бўлишига биз ҳам ишонамиз.

**Азим РЎЗИЕВ,**
**“Hurriyat” мухбири**

# ДУНЁДА НИМА ГАП?

ДАРАКЛАР

### 30 ФОИЗГА ҚИСҚАРИШИ МУМКИН



Иссиқ ҳаво ва қурғоқчилик туфайли бу йил Россияда картошка ҳамда қанд лавлаги етиштириш 30 фоизга қисқариши мумкин. Бу ҳақда РИА «Новости» мухбирига Росгидромет раҳбари Александр Фролов айтди. Унинг сўзларига қараганда, мамлакатда дон етиштириш ҳам учдан бирга қисқаради. Ўтган йили 97 миллион тонна дон йиғиб олинган эди. Бу йилги ҳосил эса 67-70 миллион тоннани ташкил этиши мумкин.

Мамлакат ОАВ хабарларида қайд этилишича, жорий йилнинг 15 августидан бошлаб Россияда донни экспорт қилиш тўхтатилади. Мамлакат ички бозорида дон етишмаслигининг олдини олиш мақсадида шундай қарорга келинди. Бу чекловдан Россиядан дон сотиб оладиган Туркия, Сурия, Эрон, Ливия ва Исроил каби давлатлар жиддий зарар кўриши мумкин. Россия дон экспортини 22 миллион тоннадан 10 миллион тоннага қисқартирмоқчи.

### ТАБИИЙ ОФАТ КЕЛТИРГАН ЗАРАР



Хитойнинг шимоли-ғарбида жойлашган Ганьсу музофоти марказидан 276 километр узоқликда жойлашган тоғли туманда кучли ёмғир туфайли ер кўчкиси юз берди. Дастлабки маълумотларга қараганда, табиий офатдан 20 мингга яқин одам жабр кўрган. Қутқарувчилар 127 кишининг жасадини топишди. 1,3 минг киши эса бедарак йўқолган. Жароҳатланганлар сони 120 нафарни ташкил этмоқда. Шунингдек, 45 мингдан кўпроқ аҳоли хавфсиз ҳудудларга кўчирилди.

Табиий офат туфайли 5,5 мингта уй вайронага айланди, 21 мингта қурилиш объекти сув остида қолди. Бундан ташқари, электр узатиш ва алоқа тизими бутунлай издан чиққан.

ИТАР-ТАСС хабарида айтилишича, Хитой молия вазирлиги табиий офат оқибатларини тугатишга 500 миллион юан (73 миллион доллар) маблағ ажратди.

### ТЎЙ АЗАГА АЙЛАНДИ



Туркиянинг Газиантеп музофотида уйланаётган куёв тўйини автомат отиш билан нишонламоқчи бўлди. Натижада ўз отаси ва икки холасини отиб қўйди. Уларнинг учови ҳам воқеа жойида ҳалок бўлди. Яна саккиз нафар меҳмон турли даражада тан жароҳати олди.

Туркиянинг Anatolia ахборот агентлиги хабарида айтилишича, тўй тўхтатилиб, куёв ҳибсга олинган.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатнинг чекка ҳудудларидаги маҳаллий одатларга кўра куёв қуролдан ўқ отиб ўз тўйини нишонлайди. Ҳукумат бир неча йилдан буён бу одатга қарши кураш олиб бормоқда. Лекин аҳоли бунга унчалик эътибор бермай келаётган эди. Балки ушбу фожиа бу бемаъни одатга чек қўяр.

### РЕКОРД ЎРНАТИЛМАДИ



Майк Ньюман кўзи ожиз ҳайдовчилар ўртасида тезлик бўйича рекорд ўрната олмади. Бунга автомобилнинг носозлиги сабаб бўлди. «The Daily Mail» газетасининг ёзишича, Майк пляж ёнидаги йўлда машина ҳайдаши, отаси эса вертолётда туриб унга рация орқали йўлни айтиб туриши лозим эди. Майк «Keating TKR» машинасида тезликни соатига 200 мил (320 километр)га етказишни режалаштирганди. Аммо машина бор-йўғи 174 миль (278 километр) тезликда ҳаракат қила олди, холос.

Ньюман 2003 йили «Jaguar XKR»да соатига 144,7 мил (231 километр) тезликка эришиб, кўзи ожизлар ичида дастлабки рекордга эришган эди. 2006 йилда эса у «BMW M5»да тезликни 178 мил (284 километр)га етказа олди.

Ҳозирги пайтда кўзи ожизлар ўртасида машинани тез ҳайдаш бўйича рекорд ЖАРлик Хайн Вагнерга тегишли. У «Mercedes-Benz SL65»да соатига 322,5 километр тезликда ҳаракат қилган.

### ИССИҚ ҲАВО ВА КУЧЛИ ШАМОЛ ТУФАЙЛИ

Европанинг кўплаб мамлакатларида ёнғинлар бўлаётгани ҳақида аввал хабар берган эдик. Энди шундай ёнғинлар АҚШда содир бўлмоқда. Душанба куни Лос-Анжелесдан 75 километр шимолда жойлашган Санта Кларита шаҳри яқинида ёнғин бошланган.

Маълумотларга қараганда, ёнғинни ўчиришга 150 нафар ўт ўчирувчи ва тўртта вертолёт жалб этилган. Ёнғин шаҳарга жуда яқин келиб қолган. Шунинг учун аҳоли саросимада яшамоқда. Ҳавонинг 30 даража иссиқлиги ва соатига 40 километр тезликда шамол эсаётгани ёнғинни тезда ўчиришга халақит беряпти.

### ҲАРБИЙ ХАРАЖАТЛАР ОРТМОҚДА

Россияда йилдан-йилга ҳарбий харажатлар ортиб бормоқда. «Ведомости» газетасининг ёзишича, жорий йилда шу мақсадларга 1 триллион 264 миллиард рубль сарфланади. 2013 йилга келиб харажатлар 60 фоизга кўпаяди ва 2,025 триллион рублни ташкил этади.

Экспертларнинг қайд этишича, маблағнинг асосий қисми денгиз флоти, авиация ва космик соҳани ривожлантиришга жалб этилади. Режага кўра, денгиз флотига атом сув ости кемалари, кемалар учун «Булава» ракетаси ишлаб чиқарилади. Бундан ташқари, Қора денгиз флотини бутунлай янгилаш лойиҳалаштирилган.

Ҳозир Францияда Россия буюртмаси бўйича иккита «Mistral» типидаги вертолёт ташувчи кема қурилаяпти. Уларни сотиб олишга ярим миллиард доллар керак бўлади.

### МОТОРДАГИ БУРГУТ

АҚШнинг Аляска штатида Alaska Airlines авиакомпаниясига қарашли Boeing-737 йўловчи самолёти Ситки шаҳри аэропортининг учиш майдонида 915 метр юргандан сўнг тўхтаб қолди. Бунга ҳаво лайнери моторига бургут кириб қолгани сабаб бўлди. ИТАР-ТАСС хабарида айтилишича, бугут моторга тиқилганидан сўнг двигатель автоматик тарзда ўчган. Экипаж бир мотор билан самолётни тўхтатишга муваффақ бўлган.



Самолёт бортида 134 нафар йўловчи ва тўрт нафар экипаж аъзоси бор эди.

Alaska Airlines йўловчилардан воқеа учун кечирим сўради ва бошқа самолётда уларни манзилга элтиб қўйди.

### ЙЎЛОВЧИ АВТОБУС ПОРТЛАДИ

Сеулнинг Хэндан-дон туманида йўловчи автобус портлаб кетди. ИТАР-ТАСС хабарида айтилишича, автобусдаги 17 йўловчи турли даражада тан жароҳати олган. Полиция вакиллари аввалига воқеани террорчилик деб баҳолаган бўлса-ди, тезда автобус газ туфайли портлагани маълум бўлди.



Экспертларнинг таъкидлашича, газ учқунининг ёнилғи бакидан ташқарига чиқиши портлашга сабаб бўлган.

### ХИТОЙЛИКЛАР БИРИНЧИ

Буюк Британия уй-жой бозоридаги энг йирик инвесторлар хитойликлар экан. Бу ҳақда Knight Frank компанияси тадқиқотларига асосланиб, China Daily газетасида мақола эълон қилинди.

Газетанинг ёзишича, жорий йилнинг май ойи охиридаги маълумотларга қараганда, Лондондаги нуфузли кўчмас мулкнинг 10,8 фоизи хитойликлар қўлида экан. Лондондан уй-жой сотиб олиш бўйича сингапурликлар (9,9 фоиз) иккинчи ва малайзияликлар учинчи (6,8 фоиз) ўринни эгаллаб туришибди. Британияликларнинг ўзи эса янги қурилаётган уйларнинг 36,9 фоизини сотиб олмоқда.



Экспертларнинг таъкидлашича, Лондон уй-жой бозорида хитойликларнинг кўпайиши юаннинг фунт стерлингга нисбатан қадри ошиб бораётгани билан боғлиқ.

Мақолада айтилишича, Лондон марказидаги оддий квартира бир миллион фунт (1,5 миллион доллар) туради.

### МУНОСАБАТЛАР КЕСКИНЛАШМОҚДА

Корея Халқ Демократик Республикаси ҳарбийлари артиллериядан душанба куни кечқурун Жанубий Кореянинг Сариқ денгиздаги чегара ҳудудига қарата юз мартадан кўпроқ ўқ отди. CNN мухбирининг қайд этишича, отилган снарядлардан бири Жанубий Корея чегарасини бузиб ўтган.

Хабарда айтилишича, Жанубий Корея томони овоз кучайтирувчи аппарат орқали бир неча бор КХДР ҳарбийларини огоҳ этган, лекин қўшнилари уларнинг мурожаатига эътибор ҳам бермаган.

Сўнгги пайтларда икки корейс давлати ўртасидаги муносабатлар кескинлашиб бормоқда. Жорий йилнинг март ойида Сариқ денгизда Жанубий Кореянинг «Чхонан» кемаси портлаган ва натижада 46 нафар денгизчи ҳалок бўлганди. Экспертлар кемани КХДР ҳарбийлари портлатган, деган хулосага келган эди. Кейинроқ Сариқ денгизда Жанубий Корея ва АҚШ қўшинлари биргаликда ҳарбий машқлар ўтказди. 8 август куни эса Шимолий Кореялик денгизчилар Жанубий Кореяга қарашли балиқчи кемани давлат чегарасини бузишда айблаб ҳибсга олди.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди**

ИҚТИСОД ВА ИСЛОҲОТ

# БЎЁҚЛАРДА КАМАЛАК ЖИЛОСИ

*Жиззах вилояти Ғаллаорол туманидаги "Маданият" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида Туркиянинг "DIDOSA PAINTS" корхонаси ишга туширилиб маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. Корхонанинг йиллик қуввати 1200 тонна лак-бўёқ ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Туркиялик сармоядорлар билан ҳамкорликда иш бошлаган корхонанинг келажаги порлоқ эканини тасаввур қилиш қийин эмас. Айни пайтда корхонада 15 нафар ишчи томонидан 12 хил маҳсулот тайёрланиб, буюртмачиларга юборилмоқда. Хорижлик сармоядорларга халқимизнинг меҳмондўстлиги, одамохунлиги, бағрикенглиги жуда манзур бўлганини алоҳида таъкидлаш зарур. Айни дамларда уларнинг тайёрлаётган маҳсулотлари Тошкент, Самарқанд, Жиззах шаҳарларига юборилмоқда.*

Ишлаб чиқарилган сифатли маҳсулотлар қурилиш ва турли маиший хизмат мақсадларида фойдаланилмоқда. Буюртмачилар маҳсулотнинг сифати аъло даражада бўлиб, диққатни жалб қилиш хусусиятига эга эканини эътироф этмоқда.

— Ҳозирча маҳсулот ишлаб чиқариш учун керак бўладиган хомашё Туркиядан келтирилмоқда, — дейди корхона иш бошқарувчиси Теслим Куртулмес. — Келажакда зарур хомашёни мана шу ҳудуднинг ўзида тайёрлаш имконига эга бўлишимизга ишонаман. Халқингиз жуда омилкор, ишбилармон. Бошқача айтганда, қўли гул. Корхонамиз атрофига экилган сабзавот, мева, гул-экинларни кўриб, уларнинг гўзаллик шайдоси эканига имон келтирдим. Биз шундай жаннатмакон ҳудудда фаолият юритаётганимиздан бахтиёрмиз.

Теслим оғанинг сўзларини тинглаб, Туркия билан Ўзбекистон орасидаги масофа қанчалик узоқ бўлмасин, халқларимиз кўнгиллари шунчалар яқинлигига ишонасан киши. Бунга асосий сабаб юртимизда ҳукм сураётган осойишталик, тинчлик, баракали меҳнат қилиш учун яратилган шароитдир. Айнан шу нарса жаҳондаги кўплаб инвесторларнинг диққатини ўзига жалб этмоқда. Ҳукм сураётган иқтисодий-молиявий буҳронни четлаб ўтишда бу жуда муҳим.

— Бу туманимизда чет эл сармояси ҳисобига ишлаётган бешинчи корхонадир, — дейди ишбилармонлар ва тадбиркорлар ҳаракати Ўзбекистон Либерал демократик партияси Ғаллаорол туман кенгаши раиси Одилжон Мамиров. Чет эллик сармоядорлар Президентимиз олиб бораётган сиёсатни чин дилдан маъқуллашаётганини уларнинг амалга ошираётган ишлари кўрсатиб турибди. Бу ерда туркиялик ҳамкасбларимизнинг иш бошлагани ҳудудимизда корхоналар қуришни кўпайтириш, ёшларни иш билан таъминлаш учун катта имкон яратаяпти. Корхонадан олинаётган лак-бўёқларни Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилаётган қурилиш биноларини пардозлашга ишлатмоқдамиз.




Жиззах вилоятининг Бахмал, Ғаллаорол, Жиззах туманларида фаровон турмуш кечириш учун барча қулайликка эга турар-жойлар бунёд этилаётгани барчага маълум. Корхонада тайёрланаётган лак-бўёқлар ана шу объектларда ишлатилаётгани қувончлидир. Бу биноларни пардозлаётган қурувчилар корхона маҳсулоти ҳақида илиқ фикрлар билдиришаяпти.

Қурувчиларнинг айтишича бу бўёқларнинг ранги қуёш нурида нурсизланиб қолмайди. Аксинча, офтобни ўзида акс эттириб, кўзларни қувнатади. Ёмғир-қорда ювилиб кетмайди. Қаҳратоннинг совуқларига, саратоннинг жазирамасига бемалол бардош беради. Шунинг учун ишлаб чиқарувчилар маҳсулотга ишончли кафолат бермоқдалар.

— Ҳозир бу маҳсулот ички имкониятлар учун фойдаланилаётган бўлса, келажакда уни ташқи бозорга ҳам экспорт қилиш мўлжалланмоқда, — деб суҳбатни давом эттирди туман ҳокими Илҳом Эшонқулов. — Президентимизнинг чет эл сармоясини кўплаб киритиш борасидаги кўрсатмасига амалий иш билан жавоб беришда бу режа асқотади. Шу мақсад йўлида хитойлик ҳамкорлар билан ғишт заводини ишга туширдик. Корхона чиқараётган маҳсулотлар жуда сифатли эканини харид қилаётганлар ҳам таъкидлашмоқда.

Юртбошимиз хомашё эмас, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш эвазига жаҳонга кенг йўл очиш лозимлиги хусусида кўрсатмалар бериб, бундай корхоналарни ҳар тарафлама рағбатлантираётган бир пайтда Ғаллаоролда бундай корхонанинг иш бошлагани ҳар қанча эътирофга молик. Юртимизнинг буюк келажагини барпо этишда фаолият бошлаётган бу каби корхоналар кўмагидан оқилона фойдаланиш иқтисодимизга кўп нарса бериши аниқ.

Ғаллаорол тумани ўзида ишлаб чиқараётган лак-бўёқ маҳсулоти билан бугун республика миқёсида тилга тушди, десак хато қилмаймиз. Бу ерда тайёрланаётган лак-бўёқ маҳсулотлари ўзида камалак рангини жилолантириб тургандай.

Жиззах вилояти ҳокимлиги ҳам ўз ҳудудларида чет эллик сармоядорлар ёрдамида корхоналар очишга ҳамиша катта эътибор билан қарамоқда. Дунёнинг ҳеч бир давлатида чет эллик сармоядорларга биздагидай қулай инвестицион шароит яратилмаганини меҳмонлар мамнунлик билан таъкидлашди.

Биз танлаб олган миллий тараққиёт йўли асосида юртимизда кенг кўламли ислоҳотлар давом эттирилаётгани юртдошларимиз амалга ошираётган улкан тадбирларда ўз аксини кўрсатмоқда. Бу борада лак-бўёқлар тайёрлаётган корхона жамоасининг ишлари ибратлидир.

**Пардабой ТОЖИБОЕВ,**
**"Hurriyat" мухбири**

®



СОЛИҚ

*Мана, беш йилдирки, мамлакатимизда қабул қилинган «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун ҳамда Президентимизнинг 2005 йил 28 июндаги «Жамғариб бориладиган пенсия тизимини такомиллаштириш ва техника билан жиҳозлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига биноан фуқаролар нафақаларига қўшимча равишда пул олиш имкониятига эга бўлмоқдалар.*

# Қонунлар ижроси таъминланмоқда

Энг муҳими, юртдошларимиз ижтимоий ҳимоянинг бу усулидан жуда мамнун. Сурхондарё вилояти бўйича 2010 йилнинг 1 август ҳолатига кўра 341 минг 223 фуқаро номига шахсий жамғариб бориладиган пенсия дафтарчалари очилган бўлса, шундан 14579 нафари ихтиёрийлик асосида иштирок этмоқда.

Бадал суммалари ходимларнинг оладиган даромадларига таъсир қилмаган ҳолда, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг бюджетга йўналтирилган қисмидан шакллантирилади. Шу билан бирга, ходимлар ўз даромадларининг бир қисмини ихтиёрий равишда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варағига ўтказишлари ҳам мумкин. «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланганидек, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варақаларини очиш ҳамда уларни юритиш тартибига риоя этилиши, шахсий жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларининг тўғри ва тўлиқ ҳисоблаб чиқилиши ҳамда ўз вақтида тўланиши устидан назорат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат солиқ хизмати органлари томонидан ҳам амалга оширилади.

Шу билан бирга, қонунчиликка биноан фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варақларининг ҳолати тўғрисида уларни хабардор қилиш, жамғариб бориладиган пенсия тўловларини тайинлаш ва тўлаб бериш тартибини бузган мансабдор шахсларга нисбатан энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солиниши белгиланган. Жорий йилда Сурхондарё вилояти давлат солиқ хизмати ходимлари томонидан ўтказилган текширишлар натижасида 155 та хўжалик юритувчи субъектларда мазкур қонун талабларига риоя этмаслик ҳолатлари аниқланди. Жумладан, 91 та ҳолатда Халқ банкига ёки фуқарога қонунчиликда белгиланган маълумотларни тақдим этмаслик, 60 та ҳолатда мажбурий бадал тушумларининг ўтказилмагани, 4 та ҳолатда эса бошқа қоидабузарликларга йўл қўйилган.

Аниқланган қонунбузарликлар юзасидан 149 та корхонанинг раҳбар ходимларига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 179-2-моддасига асосан иш қўзғатилиб, ҳужжатлар қонуний чора кўриш учун мутасадди идораларга юборилди.

**Илёс РАҲМАТОВ,**
**Давлат солиқ қўмитаси Сурхондарё вилояти бошқармасининг ахборот хизмати раҳбари**

ЭЪТИРОФ

# Эл кўнглига малҳам одамлар

Ўқувчилик йилларимизда марказда бўладиган бирор йиғилишга бориб қолсак, тумонат орасидан избосканликлар ифтихорига айланган Абдусамат Тиллабоев, Усмонжон Мансуров, Мамадали Суяров, Холжўра Ғозиев сингари файзли сиймоларни излаб қолардик. Мамлакатга донғи кетган пахтакор Абдусамат отанинг қўлларини олиб кўришиш бир икки-бор бизга ҳам насиб этган. У қўлларнинг тафти ҳарорати, юзларнинг сеҳру сабоҳати ҳалиҳануз хаёлларимизда. Избосканнинг суюкли ўғлони уста боғбон Усмонжон Мансуровнинг хонадонида туз ичиш насиб этди. Атоқли исломшунос олим, жамоат арбоби, профессор Муталибжон Усмоновни бир кўриш иштиёқида олий даргоҳ йўлкаларида интиқ кутган кунларимизни ҳамон орзиқиб эслаймиз.

Избосканликлар кўксини тоғдай кўтариб турган ўша азиз инсонлар кўнгилларимизни чўктириб бу дунёни тарк этиб кетди. Бироқ эл-абадий тирик. Демак, уларнинг файзи ҳам юрт билан доим яшаб турибди.

Бугун — профессор Сайфиддин Турсунов ҳам эл кўнглига малҳам бўлаётган ана шундай инсонлардан. Ўтган асрнинг 60-йиллари. Пойтуғлик Юнусқори аканинг фарзандлари орасидан миқтидан келган Сайфиддин ака дастлаб қўни-қўшни, маҳалла-кўйда Сайфиддин духтир бўлиб оғизга тушди. Кейинроқ уни олим бола, деб аташди. Кўп ўтмай фан номзоди, профессоримиз, деб тилга олишди, фахрланишди. Чунки, ўша пайтларда Пойтуғдан профессор чиқиши маҳаллий аҳоли учун космонавт чиққандай гап эди.

Бугун Сайфиддин духтир нафақат Избоскан тумани, балки бутун Андижон вилоятида ардоқли оқсоқоллардан бири. Мустақил давлатимизнинг медаль ва нишонларига сазовор бўлиб яшаётган пиру бадавлат отахони. Бугун Андижон ҳудудида эл эъзозлаган инсонлар жам бўлган бирон тўй-маърака, йиғин ё анжуманда Сайфиддин духтир кўринмай қолса, кўпларнинг кўнгли тўлмай қайтади.

Олимнинг «Шифокор одоби» номли рисоласи (Андижон. 2005), яна бир китоби — «Сиҳатнома» (Андижон. 2009) барчага манзур бўлди.

Муаллиф ҳар бир одам боласининг эътибор топиши, амал-лавозимларига кўтарилиши, катта-кичик мажлис-маъракаларда пешланиб, сўзини маъқуллаб, турли-туман жамият ва ташкилотлар рўйхатида тиркалиб, керилиб-кайвониланиб юриши мумкин. Бироқ бу у тўлақонли инсон бўлди, дегани эмас, дея қайта-қайта таъкидлайди. Олим ўзининг бир ҳикматида «Берилган ҳаёт фақатгина яхшилик ва хурсандчиликка етади, холос. Бефайз ўтган ҳар бир дақиқа учун Яратгандан мағфират сўранг», — деб ёзади.

Китобларини ўқиган киши профессор бир умр ўз эли, халқининг ёппасига тиббий саводхонга айланишини, ҳалол-покиза яшашини, иймон-эътиқодли бўлишини орзу қилиб яшаётганига амин бўлади.

Қаҳрамонимизнинг саховатли экани ҳам одамлар тилида. Қайсидир меҳрибонлик уйида тарбияланувчи ўттизга яқин етим-есир болаларнинг катта тўй-томоша билан қўлларини ҳалоллагани ҳақида гап-сўзлар юради. Бу фактни ҳам қаҳрамонимиз иложи борича овоза қилдирмаслик пайида бўларкан. Ҳарқалай ўнг қўлинг берганини чап қўлинг билмасин, деган ҳикматга амал қилса керак-да.

Сўзимиз охирида яна бир омади гап. Избосканнинг пойтахтда яшовчи бир эрка фарзанди сифатида Андижон издиҳомларига кў-ўп бордик. Худди ёшлик пайтларимиздагидай, тумонат орасидан Сайфиддин хожи Турсуновни излаб кўзларимиз толди. Афсуски, бу ажойиб инсоннинг суҳбати бизга ҳали насиб этмади. Бу олим, яхши инсон билан шахсан танишман, суҳбатларида бўлганман дегувчи ёр-биродарларимизга ҳавас қилиб яшаймиз.

**Абдунаби БОЙҚЎЗИЕВ**

МАКТУБ

# Дилимни оғритди дилимдагилар...

*Менинг ҳаётдаги шиорим бошқаларга яхшилик қилишдан иборат эди. Қариндошми, бегонами, имкони борича, қўлимдан келганча ёрдамимни аямасдим. Муҳтожларни кўрсам ёки эшитсам, банд бўлсам-да, учиб бориб корига ярагим келар, имкони бўлса, моддий ёрдам, бўлмаса, кўнглини кўтариб таскин берардим. «Сенга нима, бошқаларни деб бунча елиб югурмасанг, тинчингни ўйлаб юраверсанг-чи», — деб танбеҳ берганлар кўп бўлди. Лекин яхшилик қилиш, ўзидан яхши ном қолдириш мен учун ҳаётим маъносига айланиб қолган эди. Бировни хурсанд қилган куним таърифлаб бўлмайдиган даражада шундай куч-қувватга тўлиб-тошардим, шундай ўзга одамга айланиб қолардимки, мендан бахтли киши йўқ эди, гўё. Лекин яхшиликка яхшилик қайтмас экан. Қайтага яхшилик қилган инсон кўпроқ дил оғриғига дучор бўлиб, қийналиб юрар экан.*



...Отамиз эрта оламдан ўтиб кетган эдилар. Рўзғор ташвиши, оила муаммолари онамни ҳам хасталантириб қўйдими, оғир бетоб бўлиб ётганларича қайтиб туролмадилар, тўрт йилдан сўнг қазо қилдилар. У дунёга рихлат қилаётганларида мени ёнларига чақириб васият қилдилар: «Ўғлим, тўнғичим, ишонган тоғим сенсан. Укаларингни сенга топшириб кетаяпман. Уларга ғамхўрлик қил. Тарқалиб кетишларига йўл қўйма». Шу кундан ота-оналикни бўйнимга олиб, оиламизга бош бўлдим. Уларни едирдим, ичирдим, имкони борича яхши кийинтирдим, учала укамни ҳам ўқитиб, камида битта касбни эгаллашлари учун бор имкониммни аямадим. Менинг ҳамма ишларимни хотиним ҳам маъқуллаб, охирига етгунича бош-қош бўлиб турарди. Қайнона-қайнотасининг руҳларини шод қилишга чин дилдан аҳд қилган эди. Ҳатто ўзининг боласини ҳам унутарди, қайниларининг кўнглини олиш учун. Навбат кенжа укамни уйлантиришга етганида, у ўзининг севгани борлигини айтиб қолди. Суриштирсак, шаҳарлик муаллимларнинг қизи экан. Буни эшитиб аёлим бирдан қаршилик қилиб қолди: «Бўлмайди, шаҳарлик қишлоқнинг тутумини қаердан ҳам билади, қолаверса, дадам билан ойимлар ўз қўллари билан челаклаб тупроқ тўлдириб, текислаб, ариқ қазиб, сув очишиб, бир қарич қаламчалардан яратган шунча катта боғ-роғлару пайкал-пайкал узумзорларни эплай оладими. Агар шунга уйланадиган бўлса, ё укангизни шаҳарга торткилайди, ё мана бу жаннатдек ҳовлини йўқ қилади». Ўшанда хотинимнинг гаплари менга аёлларнинг шунчаки ваҳимаси бўлиб туюлган эканми, унчалик эътибор бермаган эканман, лекин ҳозир бечоранинг ўша гаплари бот-бот қулоғимда жаранглайверади... Эҳ, сўнгги пушаймон — ўзингга душман, деб бежизга айтишмас экан.

Хуллас, укам ниятига етадиган бўлди. Шаҳарлик бўлса ҳам муаллимларнинг қизи экан-ку, уларнинг фарзанди ёмон бўлмайди, деб тўйга розилик бердик. Бундан ташқари кичигимизнинг биз туфайли бахтсиз бўлиб қолишини истамадик. Аёлим билан бош бўлиб тўйни данғиллама қилиб ўтказдик, баҳонада биратўла ўртадаги икки укамнинг ўғил фарзандларининг суннат тўйларини ҳам қўшиб учта қарзимизни ҳам адо этдик. Келин ҳам бинойидеккина экан. Ширин тилли, табассумли, хушмуомалали бўлиб чиқди. Кўнглим ёришгандек бўлди: «Кўрдингми, хотин, дод-вой қилиб ётувдинг, туппа-тузук экан-ку. Сенинг гапингга кирганимда, укам ҳозир суймагани билан яшаб юрган бўларди». Негадир, на эътироз билдирди, на гапимни маъқуллади. Фақатгина «охири бахайр бўлсинда», — деб ишида давом этди, холос.

Аёл кишининг жим юрганидан қўрқ, деб бежиз айтишмаган экан. Мусичадек беозор келинимиз фарзанд кутаётганини эшитиб ҳаммамиз қувонган эдик. Афсуски, ҳамма дахмаза ана ўшандан кейин бошланди. Хонадонимиз тартибларига бутунлай тескари талабларни қўя бошлади. Нима эмиш: битта ҳовлида икки оила яшаши мумкин эмас эмиш, шунинг учун ёки ака, яъни мен оилам билан бу ҳовлидан кўчиб кетишим ёки уларга шаҳардан уч хонали квартира олиб беришим керак эмиш. Хотинимнинг бу хабаридан аъзои баданим музлаб кетди: «Э, бўлмаган гап-э, бу гап кимдан чиқди ўзи?» — сўрадим ундан.

— Мен қаёқдан билай, ана ўртанча овсинимга кенжа келиннинг ўзи айтибди. Шунинг учун бир ҳафтадан бери Умаржоннинг қовоғидан қор ёғилиб, овқатга ҳам келмаётган экан-да.

Ўйланиб қолдим, бу гапга ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билолмай қолдим. Лекин шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламайди. Кечаси билан тўлғониб чиқдим, бунга нима ҳожат экан, икки укамдан ҳам бундай гапни эшитмаган эдим. Шуларни ўйлаб ётар эканман, кўзимга уйқу илиниб ухлаб қолибман. Тушимда онам дарвозадан кирар-кирмас, менга танбеҳ бераётган эмишлар:

— Йўл қўйма, болам, йўл қўйма. Бу уйнинг отаси сенсан!

Ўша кундан ичимни эт кемира бошлади. Ахийри, бунга аниқлик киритиш мақсадида укамнинг ўзи билан гаплашишга қарор қилдим.

— Айрим гаплар қулоғимга чалинаяпти, шу ростми? — сўрадим Умаржондан.

...

Демак, рост. Укамдан буни кутмагандим, аксинча, «Нима деяпсиз, ака, сиз янгам билан ота ўрнида ота бўлиб кийдирдингиз, она ўрнида она бўлиб едирдингиз, сизлардан қандай воз кечаман», — дейишини кутгандим. Акси бўлди. Шу вақтда оталар каби тоғдек эмас, бир ҳовуч қумдек ҳис қилдим ўзимни. Лекин, назаримда, Умаржон мендан жавоб кутаётгандек туюлди.

— Унда кечқурун акаларингни маслаҳатга чақириб кел, — дедим ўзига ташлаб.

Эҳ, жигарим-а. Акаман деб қуёшдек меҳримизни улашаверар эканмизу, укамизнинг қандайлигини ўзимиз ҳам билмас эканмиз. Билганимда, ўз жигаримга ҳозиргидек бегонага қарагандек қараб ўтирмасдим. Укам яна кутмаганимдек, акаларини бошлаб келди. Бир давра бўлиб ўтиришди, уларга қараб кўзларим ёшланиб кетди. Неча йиллик машаққатларимнинг юкини ҳис қилдим ва сездимки, ҳеч қачон бугунгидек қийин вазиятга тушмаган эдим. Кўзимга қуйилиб келаётган ёшларни ақлим билан тўсган эдим, бўғзимга қуйилиб ачиштириб юборди. Ҳаммасининг кўзи менда. Йиғилганимизнинг сабабини айтдим.

— Акам бу уйда биз учун ота, — гап бошлади катта укам. — Отани кўчириб бўладими. Ундан кўра дуосини олиб ўтирсаларинг бўлмайдими?

— Шунча меҳнатлари каммиди, яна сенга шаҳардан уч хонали уй олиб берсинлар, — тутоқиб кетди иккинчи укам. — Аввал ўзинг ўғил ўстириб, уй олиб бер, кўрасан қийинлигини, аҳмоқ! Гап шу, акам ҳеч қаерга кетмайдилар. Хоҳламасанг, пулинг бўлса, ана катта кўча.

Умрида тортишмаган оға-иниларнинг гап талашишларига чидолмадим. Ўзимни лоҳас ҳис қила бошладим... Кўзимни очсам, касалхонада ётибман. Умаржон билан рафиқасидан бошқа ҳамма бошимда. Бир ҳафтадан сўнг уйга рухсат беришди. Уйга кирсам... ҳашар бошлаб юборилган — укам билан бизнинг уйимиз ўртасида девор кўтаришаяпти. Уйга кирсам, энди хотиним бетоб ётибди. Нима бўлди десам, индамайди. Демак, қайнисининг қилиғи унга қаттиқ ботган. Бир ҳафтада баланд девор кўтарилди. Бу девор худди раҳматли ота-онам билан ўртамиздаги тўсиқдек туюлди менга. Укаларим билдиришмади-ю, катта жиянимнинг айтишича, мен бетоб бўлиб қолганимдан сўнг укаларим бир-бирлари билан жанжаллашиб қолишибди. Ўртага кенжа келин ҳам тушиб, қайнағаларини роса ҳақоратлаган эмиш. Умаржон ўша кунаёқ ғишт терувчиларни топиб келиб, ишни бошлаб юборибди. Ҳовлининг учдан икки қисми, яъни боғ томонини ўзига, экин-текин қилинадиган ерни бизга ажратиб қўйибди. Ер ёрилмади, ерга кирмадим. Эл-юрт нима дейди, волидаю падарларимиз гўрида тик турмайдими, э воҳ, бу қандай кўргулик, ахир. Бу ҳали ҳолваси экан. Кўп ўтмай Умарнинг хотини нотариусдан вакилни еталаб келиб, меросни бўлишни талаб қилиб қолди. Қаршилик кўрсатмоқчи эдим, аёлим ўртага тушиб:

— Қўйинг, дадаси, бир парча ер кимлардан қолиб кетмаган, укамиз шуни исташаётган бўлса, рози бўлинг, — дея шаштимдан қайтарди.

— Хотин зотининг писмиғидан қўрқ, — деб бежизга айтишмаган экан-да.

— Мен келиндан эмас, Умаржондан дилим оғриди, — кўзига ёш олди аёлим ўпкаси тўлиб. — Ахир, не-не машаққатлар билан улғайтирганимизни, ўқитганимизни келин билмаслиги мумкин, лекин Умаржон унутса...

Аёлимнинг дил оғриғи уни кемира-кемира бутунлай тўшакка михлаб қўйди, аввалгидек чаққон, хушчақчақ, кайвонилигидан асар ҳам қолмади. Ва, охири саратон касалига чалиниб, икки йилдан сўнг оламдан ўтди. Ер талашган кенжа келин эса ўша йили фарзанд кўрди, аммо... у тирик эмас эди. Шундан кейин фарзанд кўриш унга насиб этмади. Ахийри, биз билан ёнма-ён туришга юзи чидамади шекилли, бизга билдирмай уйни боғи билан сотиб юборди. Буниси ҳаммасидан ошиб тушди. Орага девор тушгандаям, «отам»нинг боғлари укамда-ку, дея ўзимга таскин бериб юрардим. Энди эса... ота-онамнинг излари қолган боғимизга девор оша яширинча қараб-қараб қўяман ва бегона ҳовлининг эгаларига ҳавасим келади. Ана шунда раҳматли аёлимнинг Умаржонни уйлантириш арафасида билдирган эътирозлари қулоғим остида баланд-баланд жаранглайверади. «Эҳ, хотин, ўшанда гапингга кирганимда, бугунгидек сендан ҳам, жигаримдан ҳам, азиз ёдгоримиз — боғимиздан ҳам айрилмаган бўлардим, мен нодон».

Яқинда Тошкентга савдо туфайли қатнаб турадиган бир танишим гап топиб келди. Умаржон оиласидан ажралиб саёқ юрган эмиш. Ичкиликка берилиб кетибди. Қаттиқ пушаймонда эмиш, қайтишга юзи шувутлигини айтибди. Аросатда қолдим.

Азиз газетхонлар, менга маслаҳат беринглар, нима қилай. Укамни кечириб ортга қайтарайми ёки ...

**Сайфиддин отанинг хотини Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА оққа кўчирди**




**«Ўзсаноатқурилишбанк» очиқ акциядорлик тижорат банки**

**Лазер принтерлар учун сарф этиладиган материаллар (картридж, тонер)сотиб олиш бўйича**

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

***Лазер принтерлар учун сарф этиладиган материаллар (катридж, тонер) қуйидаги принтер моделларига тўғри келиши лозим:***

| Катридж | Миқдори | Тонер | Миқдори |
|---|---|---|---|
| HP LJ 1010 | 100 та | HP LJ 1010 | 200 та |
| HP LJ 1200 | 8 та | HP LJ 5100 | 80 та |
| HP LJ 5100 | 40 та | HP LJ 5200 | 40 та |
| HP LJ 5200 | 40 та | A4Epson EPL | 400 та |



Тижорат таклифларингизда кўрсатилган нархлар алоҳида конвертга жойланиб, корхона муҳри билан муҳрланган бўлиши лозим.

**Танлов ўтказиш тартиби ҳақидаги қўшимча маълумотларни қуйидаги манзилдан олиш мумкин:**
**Тошкент шаҳри. Шахрисабз кўчаси 3-уй. Тел.: 120-45-56, 120-45-60. Факс: 120-45-60. Ички телефон: 32-24, 30-63**

***Тижорат таклифларингиз 2010 йил 13 августга қадар қабул қилинади***

# БАДИИЙ ГИМНАСТИКАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

## Наманган шаҳрида бадиий гимнастика тобора оммалашмоқда

*Ёшларимиз спортнинг турли соҳаларида қўлга киритаётган улкан ютуқлар Президентимиз раҳнамолигида бу борада амалга оширилаётган ишлар юксак самаралар бераётганидан далолатдир. Зотан, жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялашда спортнинг ўрни беқиёс.*

*Мамлакатимизда спортни, унинг нафис тури — бадиий гимнастикани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.* **Наманган шаҳар ҳокими Илҳомиддин БОТИРОВ** *болалар спортини ривожлантириш, қизлар ўртасида спортни, хусусан, бадиий гимнастикани оммалаштириш, бунинг учун тегишли шарт-шароит яратиш, иқтидор соҳибаларини қўллаб-қувватлаш борасида вилоят марказида олиб борилаётган ишлар ҳақида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:*



— Қизлар спортини, бадиий гимнастикани ривожлантириш мамлакатимизда ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш мақсадида амалга оширилаётган «Соғлом она — соғлом бола» концепциясининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Наманган вилоятида, хусусан, шаҳримизда бадиий гимнастикага ёшларнинг қизиқиши ошиб бораётгани, юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир спорт маликалари етишиб чиқаётгани бехад қувонарлидир.

Бугунги кунда шаҳар халқ таълими бўлими тасарруфидаги 66 та умумтаълим мактаби, 6 та ихтисослашган мактаб-интернат, битта махсус интернатда 74 та спорт зали фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, 6 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ва 8 та теннис корти ҳам спортга қизиқувчи ёшлар ихтиёрида. Уларнинг таркибида бадиий гимнастика, теннис, стол тенниси, кураш, баскетбол, волейбол, қўл тўпи, бокс, енгил атлетика, футбол, мини футбол, трамполин, спорт акробатикаси, қиличбозлик каби спорт турлари бўйича ўттиздан зиёд секция ва бўлимлар ишлаб турибди. Мактабларда таълим олаётган 80 минг нафардан зиёд ўқувчининг 38 мингдан кўпроғини қизлар ташкил қилади. Спортга жалб этилган 37 минг 200 нафарга яқин ўқувчининг 12 минг нафари, хусусан, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида шуғулланаётган 3 минг 585 ёш спортчининг 700 нафари қизлардан иборат.

Бадиий гимнастика биз учун нисбатан янги спорт тури ҳисобланади. Олиб борилаётган тушунтириш ишлари, яратилаётган шарт-шароит, шунингдек, ота-оналарда қизларини спорт билан шуғулланишга ўргатишга бўлган иштиёқнинг кучайиши натижасида спортнинг бу тури тобора оммалашиб бормоқда. Бадиий гимнастиканинг қизларни лобар, келишган, жисмонан ва руҳан соғлом, иродали қилиб тарбиялашда муҳим ўрин тутишини бугун кўпчилик ота-оналар англаб етмоқда.

Шаҳримиздаги 3- ва 19-болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида бадиий гимнастика бўлимлари фаолият кўрсатмоқда. Улар ташкил этилганида жами 70 нафар қиз спортнинг мазкур тури билан шуғулланган бўлса, ҳозир ушбу мактабларда бадиий гимнастика билан шуғулланаётган қизлар сони 110 нафарга етди. Мисол учун, 3-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби бадиий гимнастика бўлимида 4 ёшдан 12 ёшгача бўлган 54 қиз нафис спорт сирларидан сабоқ олмоқда. Муҳими, жажжи қизалоқларини бадиий гимнастика секциясига ўзлари олиб келиб, машғулотларни кузатиб ўтирадиган ота-оналар сафи тобора кенгаймоқда.

Ушбу мактаблар бадиий гимнастика бўлимларида барча зарур шарт-шароит яратилган. Ҳар куни 150-300 нафаргача ёш спортчига хизмат кўрсатиш имкониятига эга заллар, услубият, тиббиёт, ювиниш ва кийим алмаштириш, инвентарлар хоналари барпо этилиб, спорт жиҳозлари ва либослари билан таъминланган.

Ана шундай саъй-ҳаракатлар натижасида бадиий гимнастикачи қизларимиз турли мусобақаларда совринли ўринларни қўлга киритаётир. Шу йил Тошкент шаҳрида энг ёш қизлар ўртасида ўтказилган "Олимпиада умидлари" спартакиадасида ўн ёшли гимнастикачимиз, 19-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчиси Рамилия Замалитдинова 2-ўринни қўлга киритди. Ушбу мактаб тарбияланувчилари Лейла Курбабаева, Севара Абдуазизова, Сурайё Жавлонова ҳам мазкур мусобақа шоҳсупасининг учинчи поғонасидан жой олиб, шаҳримиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Бунда мазкур мактабнинг бадиий гимнастика бўйича мураббияси Ирина Кимнинг хизматлари катта бўлди.

Жорий йилда 3-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг гимнастикачи қизлар жамоаси ҳам "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамкорлигида пойтахтимизда ўтказилган халқаро бадиий гимнастика мусобақасида муваффақиятли иштирок этди.

Албатта, бадиий гимнастикани янада ривожлантириш борасида амалга оширишимиз лозим бўлган ишлар кўп. Бу йўналишда олдимизда катта вазифалар турибди. Жумладан, боғча, мактаб, лицей, коллежларда бадиий гимнастика тўгаракларини ишини йўлга қўйишимиз керак. Янги ўқув йилидан бошлаб шаҳардаги еттита умумтаълим мактабида ва бир қатор мактабгача таълим муассасаларида бадиий гимнастика тўгараклари ташкил қилинади. Ҳозир бадиий гимнастика бўлимлари мавжуд бўлган 3- ва 19-болалар ва ўсмирлар спорт мактабларини таъмирлаш, 3-болалар ва ўсмирлар спорт мактабини зарур инвентарлар билан тўлиқ жиҳозлаш зарур. Шунингдек, бадиий гимнастика бўлимларини мураббиялар билан таъминлаш, малакали мураббиялар тайёрлаш ҳам талаб даражасида эмас. Шуни ҳисобга олиб, яқинда республика Бадиий гимнастика федерацияси, вилоят маданият ва спорт ишлари, халқ таълими бошқармалари ҳамкорлигида 3-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби базасида бадиий гимнастика мутахассисларини тайёрлаш даражасини оширишга қаратилган семинар ҳамда маҳорат сабоқлари ўтказишни мўлжалламоқдамиз.

Бир сўз билан айтганда, қизлар ўртасида бадиий гимнастикани ривожлантиришга қаратилган ишларни изчил давом эттириш, бунинг учун куч ва имкониятларни сафарбар этиш доимий диққат-эътиборимизда бўлади.

**ЎзА мухбири**
**Акрамжон САТТОРОВ**
**ёзиб олди**

СПОРТ

### ВАКИЛЛАРИМИЗДА УЧТА МЕДАЛЬ

Словакиянинг Брезно-Осрбли шаҳрида ёзги биатлон бўйича жаҳон кубогининг иккинчи босқичида иштирок этаётган ўзбекистонлик биатлончилар битта кумуш ва иккита бронза медални қўлга киритди.

Мусобақанинг эркаклар ўртасидаги кросс-биатлон баҳсида Мурод Ҳожибоев 5 километр масофани иккинчи бўлиб босиб ўтгани боис кумуш медаль билан тақдирланган бўлса, Анузар Юнусов учинчи натижага эришиб, бронза медалга сазовор бўлди.

Хотин-қизлар ўртасида тўрт километр масофага ўтказилган беллашувда истеъдодли спортчимиз Дилафруз Имомҳусанова бронза медални қўлга киритди.

### МАРИЯ ШАРАПОВА БИРИНЧИ ЎРИНДА

Forbes Russia журналининг ёзишича, россиялик спортчилар орасида Мария Шарапова реклама орқасидан энг кўп даромад олади. Журнал ходимлари спортчиларнинг 2009 йил 1 июлдан жорий йилнинг 30 июнигача бўлган даврни ҳисоблаб чиқишган.

Теннисчининг реклама шартномалари суммаси кейинги беш йилда 14,9 миллиондан 24 миллионгача кўпайган. Одатда бундай шартномалар Мария Шарапова ва Canon, Prince, Tiffany, Land Rover, Nike, Lady Speed Stick компаниялари ўртасида кўпроқ тузилади.

Рейтинг жадвалида иккинчи ўринни хоккейчи Александр Овечкин эгаллади. У Мария Шараповадан 21 миллион доллар кам (3 млн.доллар) фойда олган.

Ушбу спортчилардан кейинги ўринларда енгил атлетикачи Елена Есинбаеванинг ҳам борлигига гувоҳ бўласиз. Унинг рекламадан оладиган даромади 2 миллион долларга тенг экан.

Рейтинг жадвалида бешинчи ўрин "Oriflame"нинг асосий ташвиқотчиларидан бири, фигурали учиш устаси Евгений Плющенкога насиб этди. Унинг реклама шартномалари суммаси 700 минг долларни ташкил этган.

Қайд этиш жоизки, рейтинг жадвалининг ўнлигига учта футболчи ҳам киритилган. Англиянинг "Арсенал" футбол клуби вакили Андрей Аршавин (2,1 млн.), ЦСКА жамоаси посбони Игорь Акинфеев (300 минг) ва "Рубин" клубининг собиқ сардори Сергей Семак (200 минг) шулар жумласидан.

### ЖОРИЙ ЙИЛДАГИ ДАСТЛАБКИ ҒАЛАБА

Сан-Диегода ўтказилган теннис турнирининг финалида польшалик Агнешко Радванскога қарши кортга чиққан рус теннисчиси Светлана Кузнецова зафар қозониб, жорий йилдаги биринчи, фаолияти давомидаги ўн учинчи ғалабасини қўлга киритди. Мазкур муваффақиятдан сўнг россиялик спортчи ВТА рейтинг жадвалида кучли йигирматаликдан жой олди.

Ушбу учрашувга қадар Светлана Кузнецова рақибидан икки марта устун келган эди. Шу боис бу сафарги беллашув ҳар икки спортчи учун ҳам қийин кечди. 2 соату 35 минут давом этган баҳсда россиялик теннисчи рақибини 6:4, 6:7 (7:9), 6:3 ҳисобида доғда қолдирди.

Мазкур ғалаба Светлана Кузнецовага 107 минг доллар ва 470 рейтинг очкосини келтирди. Эслатиб ўтамиз, мазкур теннис турнирининг мукофот жамғармаси 700 минг АҚШ долларини ташкил этади.

**Азим РЎЗИЕВ тайёрлади**

ЯШИЛ ХАЗИНА

## Сариқчой — кўп дардга даво



**Мамлакатимизнинг барча тоғли ҳудудларида учрайдиган, тилларанг гуллари билан киши эътиборини тортадиган сариқчой ўти ўзининг шифобахшлиги билан бошқа ўсимликлардан ажралиб туради.**

Сариқчойнинг доривор қисми унинг ер устидаги қисми ўти ҳисобланиб, айни гуллаган вақтида гуллари билан бирга йиғиб олинади ва дағал пояларидан тозаланиб, соя жойларда қуритилади.

Халқ табобатида сариқчой ўтидан тайёрланган қайнатма ва дамлама буйрак, юрак, ошқозон-ичак йўллари касалликларида, сил, сариқ, васваса, жазава, ипохондрия, пес, оғиз бўшлиғи касалликларида яллиғланишга қарши, буриштирувчи, тонусни кучайтирадиган ва антисептик восита сифатида ишлатилади. Шунингдек сариқчойдан тайёрланган дори турларидан ичбуруғ, ошқозон-ичак оғриқлари, меъда яллиғланиши, жигар, ўпка ва юрак хасталикларини даволашда кенг фойдаланилади. Ўз даврида Ибн Сино сариқчойнинг оғриқ қолдирувчи, пешоб ҳайдовчилик жиҳатларидан унумли фойдаланган. Турли яра ҳамда жароҳатларни даволашда тавсия этган. Ўсимлик турларидан тайёрланадиган дамламалар сўзак, буйрак тоши, қин ва бачадон касалликларини даволашда ижобий натижалар беради.

Маълумотларга қараганда, сариқчой тумов, грипп, ангина, ревматизмда, суякларнинг қақшаб оғришида, пешоб тута олмаслик ҳолатларида яхши таъсир қилади.

Замонавий тиббиётда сариқчой ўсимлигидан олинадиган дорилар тинчлантирувчи восита сифатида, ўткир ҳамда сурункали колитни даволашда қўлланса, ўсимликдан олинадиган иманин дорисидан куйишда, терининг яллиғланишида, оғиз бўшлиғи касалликлари (гингивит, стоматит)ни тузатишда фойдаланилади.

Сариқчойнинг илдизидан тайёрланган дорилар суяк сили, ичбуруғ хасталикларида ҳамда гижжани ҳайдовчи восита сифатида тавсия этилади.

**Лобар РАҲИМЖОНОВА**
**тайёрлади**

# ҲУР ЎЛКА РАНГЛАРИ

*Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида қорақалпоғистонлик мусаввирларнинг ижод намуналаридан таркиб топган "Ҳур ўлка ранглари" мавзуидаги бадиий кўргазма очилди.*

— Мустақиллик йилларида ижодкорлар учун янгидан-янги имкониятларнинг яратилаётгани қорақалпоғистонлик мусаввирлар, ҳайкалтарошлар, халқ амалий санъати усталари учун ҳам ўз истеъдоди ва қобилиятини юзага чиқаришда муҳим омил бўлмоқда, — дейди Бадиий академиянинг Қорақалпоғистон бўлими раҳбари Роҳат Асқаров. — Ижодкорлар учун яратилаётган бундай шароитлар янада самарали меҳнат қилиш, истиқлол берган неъматларнинг қадрига етишга, уни кўз корачиғидек асраб-авайлашга, халқимиз, айниқса, ёшларни юксак мақсадлар сари чорловчи бадиий жиҳатдан пухта асарлар яратишга хизмат қилмоқда.

Табаррук диёрга меҳр-муҳаббат, унинг тупроғини муқаддас билиш, она табиатни асраб-авайлаш, меҳнатсевар, самимий ва бағрикенг ҳамюртларимизга ҳурмат ва эҳтиром туйғулари қорқалпоғистонлик рассомлар ижодида устувор ўрин тутади. Бу жиҳатлар ўттиздан ортиқ қорақалпоқ ижодкорининг мазкур кўргазмада намойиш этилаётган бадиий асарларида ўзининг ёркин ифодасини топган. Серсенбой Бойбосиновнинг «Оқ гуллар», Юсуф Отажоновнинг «Аёз қалъа», Нурсултон Шариповнинг «Овулда оқшом», Гулистон Абдураҳмонованинг «Оналик», Абдулла Ражабовнинг «Қирғоқдаги шаҳар» каби асарлари шулар жумласидандир.

ТАФАККУР

# Ўтар карвон бўла олмасанг...

Кам яшаган эмас, кўп ухлаган одамнинг умри қисқа бўлади.

* * *

Чала бажарилган катта ишдан кўра охирига етказилган кичик иш яхши.

* * *

Эркаксиз аёл — эшкаксиз қайиқ.

* * *

Қорни тўқ қорни тўққа дўст, қорни оч қорни очга душман.

* * *

Ўтар карвон бўла олмасанг, лоақал ҳурар ит бўлма.

* * *

Шифокорни танингиздаги дарддан кўра ёнингиздаги пул кўпроқ қизиқтириши «пуллик тиббиёт» деб аталади.

* * *

Тили билан ишлайдиган одамга ҳордиқ чиқора?

* * *

Чўнтакларинг пулга қаппайиб турганда «Гап пулда эмас» дейиш жуда осон.

* * *

Миллатинг билан фахрланма, миллатинг сен билан фахрлансин.

* * *

Саёз илмдан кўра теран жоҳиллик афзал.

* * *

Ҳаётнинг маъносига энди ақлим етди, деганингда ақлинг ҳам тугаб қолар экан.

* * *

Гадой сендан қочиб кетаётган бўлсада, етиб олиб унга садақа бер.

**Шароф МИРЗО**

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, «Hurriyat» газетаси ва «Ўзбекистон матбуоти» журнали таҳририятлари фахрий журналист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

**Мақсуд ҚОРИЕВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Зафар САИДОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририятга келган хатларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
e-mail: hurriyat@mail.ru

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11
Андижон — 8-374-250-90-39
Бухоро — 8-365-592-85-02
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Қашқадарё — 8-375-357-75-10
Сурхондарё — 8-376-396-30-59
Фарғона — 8-373-225-80-58
Хоразм — 8-362-224-73-33

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Азим РЎЗИЕВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 00.30

Ⓡ — тижорат белгиси.

Адади: 9752 Буюртма — Г-726 12 5